



Birgalikda yetishtiramiz!
Вырастим вместе!
We grow together!



📍 160103, Ўзбекистон Республикаси
Наманган ш, Оромгоҳ қўчаси, 27
☎ (+998 78) 147-05-00
✉ @ifodaagroconsulting
🌐 www.ifoda.uz
✉ marketing@ifoda.uz

ПРЕПАРАТЛАР ҚЎЛЛАНМАСИ



Birgalikda yetishtiramiz!
Вырастим вместе!
We grow together!

“IFODA” kompaniyasi Respublikamizning qishloq xўjaligi sohasiga ilgor va innovatsion texnologiyalarni joriy qilişda ўz hissasini qўshib kelaётган etakchi kompaniyalardan biri hisoblanadi. Kompaniyamiz bir necha yillardan buyon ekinlarni turli zararkunanda, kasallik va begona ўtlardan himoya qilişda dehqon va fermer xўjaliklariga amaliy yuldan qўmaklashib kelmoqda. Jumladan, kompaniyamiz **2017** yildan boshlab ўsimliklarni himoya qiliş vositalarini Respublikamiz hududida ishlab chiqarişni yўlga qўydi va **2018** yilda yana bir yangi loyiha – Qishloq xўjaligi uchun murakab ўfitlarni ishlab chiqariş loyihasi amalga oshirildi.

Hozirda kompaniyamizda **50** dan ortiq turdagi ўfitlarni ishlab chiqariş yўlga qўyilgan. Bu ўfitlarning oʻziga xosligi shundaki, tarkibida ўsimlik uchun zarur boʻlgan barcha moddalar va mikroelementlar mavjud boʻlgan, ўsimlik yulashirişi uchun eng qulay boʻlgan xelatlangan shakllardagi yangi avlod ўfitlardir.

Bizning mahsulotlarimizni qўllab, yuqori hosildorlikka erishsangiz – biz oʻz oldimizga qўygan maqsadimizga erishgan boʻlamiz. Zera, bizning shiorimiz – Birgalikda yetishtiramiz!

Мундарижа

Гербицид

Энтостар.....	04
Энтостар Плюс.....	05
Энторане Экстра.....	06
Энтогарт.....	07
Энтопик.....	08
Пинокс	09
Зелдек Экстра.....	10
Энтостоп.....	11
Энтоглифос.....	12
Энтус.....	13
Оксигол.....	14
Энторайграс.....	15
Фастер.....	16
Бентогран.....	17
Ландаск.....	18
Сурис.....	19

Инсектицид

Энтомектин.....	20
Эзофокс	21
Далате.....	22
Далате Плюс.....	23
Агрофос-Д.....	24
Агрофос Экстра.....	25
Индоксамектин.....	26
Профентрин.....	27
Дэмофос.....	28
Энтовайт.....	29
Энтометрин.....	30
Энтолучо.....	31
Делтасис.....	32

Энтоспилян.....	33
Протект.....	34
Энтовайт Про.....	35
Дуэт Экстра.....	36
Энтовет.....	37
Энтомайт.....	38
Спиромектин.....	39
Энтосоран.....	40
Акараголд.....	41
Римида	42
Протект Про.....	43

Арамис.....	44
Топ Кроп	45
Энтохлорок.....	46
Энтохлорок Плюс.....	47
Рамзес.....	48
Энтривикур.....	49
Энтохлорок Экстра.....	50
Капитокс.....	51
Фосетал.....	52
Энтоликур.....	53
Флусил.....	54
Крезоксин.....	55

Силвер.....	56
Энтожеан.....	57
Энтовакс 200.....	58
Циклодефол.....	59
Экс-чейндж(сувени муътадиллаштирувчи).....	60
Хосилин.....	61
Энто-дефол (дефолиант).....	62
Оксидат (нематодид).....	63

Инсектицид

Акарицид

Фунгицид

Стимулятор

ENTOSTAR

Гербицид

(Трибенурон-метил 75%)
(750 г /кг)

Бир йиллик кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид.



Қўлланиши:

Қузғи ҳамда баҳорги ғалла майдонларидаги бир йиллик кенг баргли бегона ўтларга қарши курашда қўлланилади. Энтостар Эшакшўра, Жағ-жағ, Шўра, Сассикпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Лолақизғалдоқ, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Аччиқмия, Қизилтасма, Бангидевона, Исмамоқ ва бошқа бегона ўтларни йўқотишда юқори самарали гербицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри (г/га)	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Қузғи бугдой	Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар	10-20	Найчалош давригача, 2-3 тагача барг	Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради

ENTOSTAR Plus

Гербицид

(Трибенуронметил 37.5% + Тифенсуронметил 37.5%)

Ғалладаги бир йиллик ва қўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши қўлланиладиган самарали гербицид!



Қўлланиши:

Қузғи ҳамда баҳорги бугдой экинзорларидаги бир йиллик ва қўп йиллик кенг баргли бегона ўтларга қарши курашадиган юқори самарали гербицид. Препарат Куйпечак,Откулоқ, Эшакшўра, Жағ-жағ, Шўра, Сассикпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Лолақизғалдоқ, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Аччиқмия, Қизилтасма, Бангидевона, Исмамоқ каби бегона ўтларга қарши курашда юқори самарали.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри г/га	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Қузғи бугдой	Бир йиллик ва қўп йиллик икки паллали бегона ўтлар	30	2-3 тагача баргдан найчалош давригача	Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради

ENTORANE Ekstra

Гербицид
(Флуроксипир 40%)

Бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган самарали гербицид!



Қўлланиши:

Галла ва маккажўхори экинлари экилган майдонлардаги бир йиллик ва кўп йиллик кенг баргли ўтларга юқори даражада самара берувчи гербициддир. Қўйпечак, Жағ-жағ, Латтатикон, Сассикпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт турлари, Тиласпи, Олабўта, Аччиқмия, Қизилтасма, Бангидевона, Исмалоқ, Отулоқ, Пушти какра каби бегона ўтларга қарши юқори самара беради.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Буғдой	Бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар	0.375-0.5	Экиннинг туғлаш даврида пуркалади	Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради

ENTOGART

Гербицид
(Прометрин 50%)

Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши ғўза, картошка, маккажўхори ва сабзида қўлланилганда юқори самара берадиган гербициддир. Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларнинг уруғлари униб чиқмасидан олдин ва уруғ экиш билан бир вақтда қўлланилади. Фақатгина уна бошлаган уруғ ёки майсани эмас, балки 2-3 дона барг чиқарган, препарат таъсирига мойил бўлган бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларнинг майсаларини ҳам нобуд қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза (пленка остига экилганда)	Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтлар	1,2	Экинларнинг қўқаришигача тасмасимон усулда тупроққа пуркалади

ENTOPIK

Гербицид

(Кладинафоп пропаргил
+ антидот клоквинтоцет мексил 8%)

Галла майдонларидаги бир йиллик бошоқли
бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Бугдой экилган майдонларда униб чиққан бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши самарали гербицид. Ёввойи сули (оқ бош), тулки куйрук, итқуноқ турлари, курмак сингари бир йиллик бошоқли бегона ўтларни йўқотишда самаралидир.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтларнинг ўсиш даври
Кузги бугдой	Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар	0.3-0.4	Экиннинг туплаш даврида	Униб чиққан бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради

PINOKS

Гербицид

(Пиноксаден 2.5% +
Клодинафоп пропаргил 2.5% +
Клоквинтоцет мексил 0.8%)



Бугдой экилган майдонлардаги бир йиллик бошоқли бегона ўтлар, айниқса, ёввойи сули, тулкидум, райграс ва бошқа бегона ўтларга қарши қўлланиладиган селектив гербицид.

Қўлланиши:

Пинокс бугдойдаги бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ичдан таъсир этувчи гербицид бўлиб, бегона ўтларнинг барглари орқали сингиб, ўсув нуқтаси томон ҳаракатланади. Ўсув нуқтасидаги ҳужайралар бўлинишини тўхтатиб, бир неча соат ичида ўсимликни ўсишдан тўхтатади. Препаратнинг таъсир кучи ишловдан 3-5 кундан сўнг кўзга ташланади, бегона ўтларнинг тўлиқ nobud бўлиши 10-12 кунда содир бўлади.

Сарф-меъёри ва қўллаш тартиби

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф-меъёр л/га	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсув даври	Бегона ўтларнинг ўсув даври
Кузги ва баҳорги бугдой	Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар	0.2-0.3	Экиннинг туплаш даври	Униб чиққандан сўнг, бегона ўтларнинг илк ривожланиши даврида қўлланилса яхши самара беради

ZELDEK Ekstra

Гербицид

(галаксифоп-Р-метил, 10.4 г/л)

**Ажриқ ва ғумайга қарши
қўлланиладиган гербицид!**



Қўлланиши:

Ғўза, пиёз, сабзи, помидор, картошка, нўхат, ерёнғоқ, лавлаги ва бошқа кенг баргли экинларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланилади. Бегона ўтлардан қорасули, тулки қуйруқ, қоракурмак, итқўноқ, бешбармоқ, мастак турлари, уруғдан униб чиққан ғумай, тўкилган уруғдан унган буғдой ва маккажўхори майсаларига қарши ғўза гуллағунга қадар далаларга ёппасига пуркалади, айниқса, ажриқ ва ғумайни юқори даражада назорат қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши гектарига 1.0 литр ҳисобида бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади.

ENTOSTOP

Гербицид

Пендиметалин 33%

**Бир йиллик бошоқли ва кенг баргли
бегона ўтларга қарши униб
чиқмасдан олдин қўлланиладиган
юқори самарали гербицид!**



Қўлланиши:

Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши ғўза, пиёз, картошка, маккажўхори ва сабзида қўлланилганда юқори самара берадиган ажойиб гербициддир. Фақатгина уна бошлаган уруғ ёки майсани эмас, балки 1-2 дона барг чиқарган, препарат таъсирига мойил бўлган бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларнинг майсаларини ҳам нобуд қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари	Мавсумда неча мартаба қўлланиши
Пиёзнинг барча авлодлари		2.3-4.5	Ниҳолларнинг қўқариб чиқишигача тупроққа пуркалади	1
Ғўза, маккажўхори, сабзи, картошка	Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтлар	1,0-2,0	Экинларнинг қўқаришигача тасмасимон усулда тупроққа пуркалади	1
Ғўза (плёнка остига экилганда)		1	Экиш билан бирга тасмасимон усулда тупроққа пуркалади	1

ENTOGLIFOS

Гербицид

(глифосатнинг калийли тузи 50%)

Бегона ўтларни йўқотишда қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Экинларни экиш режалаштирилган майдонларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши курашда уларнинг фаол ўсув даврида қўлланиладиган гербицид. Боғлар ва узумзорлар, ноқишлоқ хўжалик ерларини бегона ўтлардан тозалаш учун ҳам юқори самара беради.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши бегона ўтларнинг фаол ўсув даврида гектарига 4.0-5.0 литр ҳисобида мавсумда бир маротаба қўлланилади.

ENTUS

Гербицид

(Римсульфурон 25%)

Маккажўхори ва помидор экинларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли, айрим кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Маккажўхори, помидор экинларида бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтлардан ва баъзи бир йиллик кенг япроқли бегона ўтларга қарши юқори самарали гербицид. Бегона ўтлардан қорасули, тулки қуйруқ, қоракўрмак, итқўноқ, бешбармоқ, мастак турлари, уруғдан униб чиққан ғумай, кенг баргли бегона ўтлардан эса Дағал каноп, Эшак шўра, Жағ-жағ, Шотари, Чақамиқ, Мойчечак, Ялпиз, Лолақизғалдоқ, Ёввойи туруп, Аччиқ ўт, Юлдузўтга юқори даражада назорат қилади. Нам ва иссиқ хароратда яхши самара беради.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри г/га	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Маккажўхори	Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ва баъзи бир йиллик кенг баргли бегона ўтлар	40-50+СФМ энто 90 ёки силвер 200мл	Маккажўхори 3-5 барг чиқарганда	Бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади
Помидор	Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ва баъзи бир йиллик кенг баргли бегона ўтлар	40-50+СФМ энто 90 ёки силвер 200мл	Помидор 3-5 барг чиқарганда	Бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади

OKSIGOL

Гербицид

(Оксифлуорфен 24%)

Кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Пиёз ва саримсоқпиёз экилган майдонларда бир йиллик кенгбаргли ва айрим бошоқли бегона ўтларга қарши униб чиққунга қадар ҳамда бегона ўтларнинг бошланғич ўсув даврида қўлланиладиган селектив гербицид. Жағ-жағ, Сассиқпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Қизилтасма, Бангидевона, Исмалоқ ва бошқа бегона ўтларни йўқотишда юқори самара беради.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри (л/га)	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Пиёз	Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар	0.5-1.0	Пиёз 2-4 барг чиқарганда пуркалади	Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради

Ento RAYGRAS

Гербицид

(Мезасульфурон-метил 3% + йодосульфурон метил-содиум 0,6%)

Райграс (мастак) ва бошқа бир йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашда қўлланилади. Райграс (мастак), Ёввойи Сули (Оқ Бош), Тулки Қуйруқ, Итқуноқ турлари, Курмак, Эшакшўра, Жағ-жағ, Шўра, Сассиқпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Лолақизгалдоқ, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Аччиқмия, Қизилтасма, Бангидевона, Исмалоқ ва бошқа бегона ўтларга қарши самарадорлиги юқори.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари		Мавсумда неча маротаба қўлланиши
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври	
Қўзғи бугдой	Бир йиллик бошоқли ва икки паллали бошоқли бегона ўтлар (шу жумладан ёввойи сули ва райграс)	0.25-0.3 + 1 л Ифопуэр	Бугдойнинг туғлаш даврида сирт фазол модда қўшиб пуркалади	Бегона ўтлар 2 та чинбарг чиқаргандан то туғлаш давригача	1

FASTER

Гербицид
(Квинклорак 25%)

Курмакни йўқатишда
қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Препарат шолининг фаол ўсув даврида бир йиллик бошоқли (тариқсимон) бегона ўтларга қарши курашда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри (л/га)	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Шоли	Бир йиллик бошоқли (тариқсимон) бегона ўтлар	2.3-2.8	Шоли униб чиққандан сўнг 2-3 барглик даврида	Бегона ўтларнинг фаол ўсув даврида, яъни 3-4 барг ёки уларнинг бўйи 5-10 см бўлганида

BENTOGRAN

Гербицид
(Бентозан 48%)

Сув хилолга қарши қўлланиладиган гербицид!



Қўлланиши:

Галла, маккажўхори, беда ва шолининг фаол ўсув даврида бир йиллик кенг баргли ва кўп йиллик бошоқли (сув хилол) бегона ўтларни йўқотишда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Бегона ўтлар	Сарф меъёри (л/га)	Қўллаш муддати ва усуллари	
			Экиннинг ўсиш даври	Бегона ўтнинг ўсиш даври
Шоли	Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар, кўп йиллик бошоқли илдиз пояли (сув хилол) бегона ўтлар	2-4	Шоли униб чиққандан сўнг 2 баргли тупланиш даврида	Бегона ўтларнинг 2-5 барг фаол ўсув даврида, сув сатхи 0-2 см бўлганида

LANDASK

Гербицид

(Бенсулфурон-метил 60%)

Шолидаги ҳилол бегона ўтига қарши қўлланиладиган гербицид.



Қўлланиши:

Шолидаги ҳилолга қарши қўлланиладиган системали (ичидан таъсир этувчи) гербицид. Препарат шолининг туплаш даврида, бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида қўлланилади. Препаратнинг илк самараси қўлланилгандан 5-7 кун ўтиб кўрина бошлайди, бегона ўтларнинг тўлиқ nobуд бўлиши 10-15 кунда кузатилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри (г/га)	Бегона ўт тури	Қўллаш муддати ва усули
Шоли	80-100 г	Ҳилол	Ўсимликнинг туплаш даврида пуркалади

SURIS

Гербицид

(Пирazosулфурон-этил 10%)

Ҳилол бегона ўтига қарши қўлланиладиган самарали гербицид!



Қўлланиши:

Шолидаги ҳилол бегона ўтига қарши системали (ичидан таъсир этувчи) гербицид бўлиб, шолининг туплаш даврида, бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида қўлланилади. Препаратнинг илк самараси қўлланилгандан 5-7 кун ўтиб кўрина бошлайди, бегона ўтларнинг тўлиқ nobуд бўлиши 10-15 кунда кузатилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри	Бегона ўт тури	Қўллаш муддати ва усули
Шоли	0.2-0.3	Ҳилол	Препарат шолининг туплаш даврида (4-6 барг чиқарганда), бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида (5-7 барг бўлганда) пуркалади

ENTOMEKTIN

Инсектоакарицид
(Абамектин 1.8%)

Шира, трипс ва ўргимчакканага қарши қўлланиладиган восита!



Қўлланиши:

Каналар ва барг говакловчи зараркунандаларга қарши системали таъсир этувчи юқори самарали инсектоакарицид. Ғўза ва бошқа экинлардаги ўргимчаккана, шира, трипс ва кўсак қуртларига қарши қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ўргимчаккана	0.3-0.4	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Шира, трипс	0.4	
Ғўза	Ғўза тунлами	0.4-0.5	

EZOFOKS

Инсектицид
(Ацефат 75%)

Ғўзадаги шира ва трипсга қарши ҳам уруғлик чигитни дорилашда, ҳам ўсув даврида қўлланиладиган текканда ва ичдан таъсир этувчи инсектицид.



Қўлланилиши:

EZOFOKS зараркунандаларга текканда ва ичдан таъсир этувчи фосфорорганик инсектицид. Препарат очиқ далада ва иссиқхоналарда сабзавот экинлари (картошка, сабзи, помидор ва бошқалар), ғўза ва боғлардаги сўрувчи зараркунандаларга қарши ўсимликларнинг ўсув даврида қўлланилади. Шунингдек, ғўзадаги шира ва трипс каби зараркунандаларга қарши уруғлик чигитни дорилаш орқали курашда ҳам қўлланилади. Ичдан таъсирга эга бўлганлиги сабабли, препарат шира, трипс ва оқ пашшаларга қарши курашда самарали қўлланилади.

Сарф меъёри ва қўллаш тартиби

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф-меъёр л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Шира, трипс	0.75	Экинларнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Шира, трипс	4.0 л/1 тонна чигит	Уруғлик препарат эритмасида дориланади (1 тонна уруққа 15-25 литр сув)

DALATE

Инсектоакарицид
(Лямбдацигалотрин 5%)

Сўрувчи ва кемирувчи зараркундаларга қарши инсектоакарицид!



Қўлланиши:

Сўрувчи ва кемирувчи зараркундалар ҳамда каналарга қарши инсектоакарицид. Зарарли хасва, ширалар, трипс, ўргимчаккана, оққанот, баргўрар куртлар, каналар, дон қўнғизлари, чигирткалар, тут парвонаси, шиллиққурт, визилдоқ қўнғиз, фитономус, қовун пашшаси, узум баргўрар куртлари, мевахўрлар, олма қурти, илдиз қурти ва бошқа зараркундаларни йўқотишда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Сўрувчи ва кемирувчи зараркундалар ҳамда каналарга қарши зараркунданинг турига қараб гектарига 0.15 – 0.5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

DALATE Plus

Инсектоакарицид
(Лямбдацигалотрин 10%)

Сўрувчи ва кемирувчи зараркундаларга қарши қўлланиладиган инсектоакарицид!



Қўлланиши:

Сўрувчи ва кемирувчи ҳашаротлар ҳамда каналарга қарши инсектоакарицид. Ширалар, трипс, ўргимчаккана, оққанот, баргўрар куртлар, каналар, дон қўнғизлари, зарарли хасва, чигирткалар, тут парвонаси, шиллиққурт, визилдоқ қўнғиз, фитономус, қовун пашшаси, узум баргўрар куртлари, мевахўрлар, олма қурти, илдиз қурти ва бошқа зараркундаларга қарши қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркундалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ширалар, трипс, ғўза тунлами, ўргимчаккана, оққанот	0.25	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Трипслар	0.2	
Бугдой	Дон қўнғизлари, трипс, оққанот, зарарли хасва, шира	0.07	
Олма	Шира, трипс, қалқондорлар	0.2-0.4	

AGROFOS-D

Инсектоакарицид

(циперметрин 50 г +
хлорпирифос 500 г)

*Зараркундаларга қарши
қўлланиладиган восита!*



Қўлланиши:

Олма қурти, кўсак қурти, илдиз қурти, цикадалар, шира, трипсга, зарарли хасва, шиллиққурт, олма қурти, баргўрар қуртлар, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, намат канаси, куялар, тут парвонаси, фитонимус ва бошқа бир қатор зараркундаларни йўқотишда юқори самарали инсектоакарицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Зараркундалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0.5-1.5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

AGROFOS EKSTRA

Инсектоакарицид

(циперметрин 10% + хлорпирифос 50%)

*Зараркундаларга қарши
қўлланиладиган самарали восита!*



Қўлланиши:

Илдиз қурти, цикадалар, шира, трипс, зарарли хасва, шиллиққурт, олма қурти, баргўрар қуртлар, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, намат канаси, куялар, тут парвонаси, фитонимус ва бошқа бир қатор зараркундаларга қарши юқори самарали инсектоакарицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркундалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ўргимчаккана	1.0	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Трипс	0.2	
Бугдой	Шира, трипс, зарарли хасва	0.2-0.5	

INDOKSAMEKTIN

Инсектоакарицид

(Индоксакарб 7.5% + Абамектин 1.8%)

Тута абсолют ва бошқа зараркунанда-ларга қарши қўлланиладиган самарали инсектоакарицид!



Қўлланиши:

Ғўзадаги кўсак қурти, олмадаги олма қурти ва очиқ ҳамда ёпиқ майдонларда тарқалган Тута абсолют зараркунандаларини йўқ қилишда юқори самара берадиган препаратдир.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ғўза тунлами	0.45-0.7	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Олма	Олма қурти, филофли қуя	0.45-0.7	
Ток	Барг ўровчи қуртлар	0.45-0.7	

PROFENTRIN

Инсектоакарицид

(профенофос 30% + лямбда-цигалотрин 1.5%)

Сўрувчи ва кемирувчи зараркунанда-ларга қарши қўлланиладиган самарали инсектоакарицид!



Қўлланиши:

Ғўза ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларида учрайдиган ғўза тунлами, ўргимчаккана, шира, трипс, каналар, оққанот ва бошқа зараркунанда-ларга қарши самарали инсектоакарицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ширалар, трипслар	0.5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Ғўза тунлами, каналар, оққанот	1.0	

DEMOFOS

Инсектоакарицид

(Диметоат 40%)

*Зараркунадаларга қарши
қўлланадиган инсектоакарицид!*



Қўлланиши:

Таъсир доираси зараркунандалар учун жуда кенг: экинлардаги ширалар, каналар, мевахўрлар, баргхўр қуртлар, қўнғизлар, ширинчалар, баргўрар қуртлар, қуялар, қалқондорлар, сохта қалқондорлар, хасва, шиллиққурт, унсимон қуртлар, баргўрар қуртлар, ғалла пашшалари, трипслар, оққанот, ғовакловчи пашша, ғовакловчи қуя ва бошқа бир неча турли зараркунандаларни йўқотишда самарали инсектоакарицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0.5-2.5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида мавсумда 1-2 мартаба қўлланилади.

ENTOVANT

Инсектицид

(Индоксакарб 15%)

*Қўсақ қуртига қарши
қўлланиладиган инсектицид!*



Қўлланиши:

Ғўза тунлами (қўсақ қурти), тут парвонаси, шингил баргўрари ва олма мевахўрига қарши самарали инсектицид. Бир вақтнинг ўзида зараркунанда капалакларининг тухумлари ва уларнинг қуртлари билан бир хил курашади. Қуртларнинг ҳамма турдаги ёшларига таъсир қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0.25-0.45 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида қўлланилади.

ENTOMETRIN

Инсектицид
(Циперметрин 25%)

*Зараркунанда ҳашаротларга қарши
қўлланиладиган инсектицид!*



Қўлланиши:

Ушбу препаратнинг таъсир қилиш доираси ҳашаротлар учун жуда кенг. Зараркунандалардан шира, трипс, оққанот, илдизқирқар тунламлар, қандалалар тут парвонаси, шиллиққурт, хасва, баргўрар қуртлар, мевахўрлар, фитонемус, оқ капалак, куя, чигирткасимон ва бошқа зараркунандаларни йўқотишда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0.15-0.35 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

ENTOLUCHO

Инсектицид
(Имидаклоприд 20%)

*Шира, трипс ва бошқа
ҳашаротларга қарши
қўлланиладиган инсектицид!*



Қўлланиши:

Колорадо қўнғизи, шира, трипс, қандалалар, тут парвонаси, визилдоқ қўнғиз, ғовакловчи пашша, қалқондорлар, мевахўрлар, баргўрар қуртлар, тунламлар, чигирткасимонлар, симқуртлар ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланиладиган системали инсектицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0.15-0.3 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

DELTASIS

Инсектицид
(Дельтаметрин 2.5%)

**Колорадо қўнғизи ва бошқа
зараркунанда ҳашаротларга
қарши қўлланиладиган восита!**



Қўлланиши:

Экинлардаги пашшалар, қўнғизлар, шира, трипс, тунламлар, оққанот, қандалалар, тут парвонаси, макка парвонаси, шиллиққурт, хасва, баргўрар қуртлар, мевахўрлар, фитонемус, оқ капалак, куя, чигирткасимонлар ва бошқа зараркунандаларни йўқотишда юқори самарали инсектицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га
Картошка	Колорадо қўнғизи	0.1-0.15
Олма	Шира, барг ўрар қуртлар, олма қурти	0.5-1.0
Помидор	Ширалар, трипс, тунламлар	0.25-0.5

ENTOSPILAN

Инсектицид
(Ацетамиприд 20 %)

**Зараркунанда ҳашаротларга
қарши қўлланиладиган инсектицид!**



Қўлланиши:

Ғўза ва бошқа экинлардаги шира, трипс, кўсак қуртлари, колорадо қўнғизи, тут парвонаси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Шира, трипс	0.15	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғўза	Ғўза тунлами	0.3	
Тут	Тут парвонаси	0.15	

PROTEKT

Инсектицид

(Эмаектинбензоат 5%)

Кемирувчи зараркунандаларга қарши
қўлланиладиган самарали инсектицид!



Қўлланиши:

Ғўза, помидор, боғ, ток ва сабзаёт экинларига зарар келтирувчи кемирувчи қуртларга, жумладан, ғўза тунлами, олма қурти, филофли қуя каби зараркунандаларга қарши юқори самарали инсектицид. Юқори ҳароратларда ҳам самарасини пасайтирмайди ва 15 кунгача таъсир кучини сақлаб қолади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ғўза тунлами	0.5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Олма	Олма қурти, филофли қуя	0.45-0.5	
Сабзаёт экинларида	Ғўза тунлами	0.2-0.3	

ENTOVANT PRO

Инсектицид

(Индоксикарб 30 %)

Кўсак қуртига қарши
қўлланиладиган самарали восита!



Қўлланиши:

Ғўза тунлами (кўсак қурти), тут парвонаси, шингил барг ўрарлари ва олма мевахўрига қарши самарали инсектицид бўлиб, бир вақтни ўзида зараркунанда капалакларининг тухумлари ва уларнинг қуртлари билан бир хил курашади. Кемирувчи қуртларнинг ҳамма ёшдагиларига таъсир қилади. Препарат зараркунанданинг тури, атроф мухит шарт-шароитлари ва сарф меъёрларига боғлиқ ҳолда 14 кунгача таъсир кучини сақлаб қолади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усули	Мавсум давомида неча маротаба қўлланиши
Ғўза	Ғўза тунлами	0.2-0.25	Ўсимликнинг ўсув даврида	2
Очиқ ва ёпиқ грундаги помидор	Ғўза тунлами	0.2-0.25		

DUET EKSTRA

Инсектофунгицид

(тиометоксам 35%+ дифенконазол 20%)

Сўрувчи зараркунандалар ва касалликларга қарши қўлланиладиган самарали инсектофунгицид!



Қўлланиши:

Препарат бир вақтнинг ўзида ҳам зараркунандаларга, ҳам касалликларга қарши қўлланилади. Зараркунандалардан шира, трипс, оққанот, ғалла пашшалари, зарарли хасва, шиллиққурт; касалликлардан калмараз, уншудринг, клястероспориоз, кокомикоз, монилюозларга қарши юқори самарали хисобланади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар ва касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ширалар, трипслар, оққанот	0.2-0.3	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Буғдой	Хасва, шиллиққурт, ширалар, ғалла пашшалари, трипслар	0.25	
Олма	Ширалар ва ун шудринг, калмараз касалликларига	0.2-0.3	

ENTOVET

Инсектицид

(Тиаклоприд 24%)

Каналар ва зараркунандаларга қарши қўлланиладиган юқори самарали инсектоакарицид!



Қўлланиши:

Олма, узум ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларидаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланиладиган инсектицид. Ҳашаротларга сиртдан ва ичдан (ўсимлик танасига шимилиб сингиши натижасида системали) таъсир этиш хусусиятига эга.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари	Мавсумда неча мартаба қўлланиши
Олма	Олма мевахўри, баргўрар қуртлар, қалқондорлар, олма гулхўри	0.3-0.4	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади	2
Узум	Шингил баргўрари	0.2-0.4	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади	2

ENTOMAYT

Акарицид

(Пропаргит 57%)

Сўрувчи зараркунандалар ва касалликларга қарши қўлланиладиган самарали акарицид!



Қўлланиши:

Ғўзани зараркунандалардан уйғунлашган усулда химоя қилиш дастурига киритилган акарицид. Боғларда ва дала экинларида каналарнинг барча ҳаракатчан фазалари (личинка, нимфа ва етук зот)га қарши юқори самарали.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усули	Мавсумда неча маротаба
Ғўза	Ўргимчаккана	1.5	Ўсимликнинг ўсувдаврида	2

SPIROMEKTIN

Акарицид

(спиродиклофен 22.2 % + абамектин 1.8%)

Ўсимликхўр каналарга қарши қўлланиладиган самарали акарицид!



Қўлланиши:

Ғўза, олма ва бошқа экинлардаги ўсимликхўр каналарнинг барча ривожланиш босқичларига (тухум, личинка ва етук-имаго) қарши самарали таъсир этувчи акарицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	Ўргимчаккана	0.25	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Олма	Каналарга	0.25	

ENTOSORAN

Акарицид
(Гекситиазокс 10%)

**Ўргимчакканага қарши
акарицид!**



Қўлланиши:

Каналарга қарши самарали акарицид. Каналарнинг тухум, личинка ва нимфаларини йўқ қилади, катта ёшдаги каналарнинг эса кўпайиш қобилиятини йўқотади. Узоқ муддат ўз таъсир кучини сақлаб қолади (50 кунгача).

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ўғза	Ўргимчаккана	0.2	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Олма	Каналар	0.3	

AKARAGOLD

Акарицид
(пропоргит 66% + гекситиазокс 6%)

**Ўсимликхўр каналарга қарши
қўлланиладиган самарали акарицид!**



Қўлланиши:

Каналарга қарши юқори самарали препарат сифатида эътироф этилган, боғларда ва дала экинларида барча ҳаракатчан фазаларидаги каналарга (личинка, нимфа ва етук зот)га қарши юқори самарали.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ўғза	Ўргимчаккана	0.3-0.5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

RIMIDA

Инсектицид (Имидаклоприд 70%)

Зараркунандаларга қарши уруғлик чигитни дорилашда қўлланиладиган юқори самарали ичдан таъсир этувчи инсектицид!



Қўлллиниши:

Зараркунандаларга юқори самарали текканда ва ичдан зараркунанда озикланиши натижасида меъда-ичак орқали таъсир этувчи инсектициддир. Шира, трипс, узунтумшук ва оққанотга қарши уруғлик чигитни дорилашда юқори самарали инсектицид. Зараркунандаларнинг марказий нерв тизимини фалаж қилиб, озикланишдан қолдиради ва ўлим ҳолатига олиб келади. Узоқ муддат давомида ўз таъсир кучини сақлаб қолади.

Сарф меъёри ва қўллаш тартиби

Экин тури	Зараркунандалар	Сарф-меъёр кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ўғза	Шира, трипс, узунтумшук, оққанот	5.0 кг / 1 тонна чигит	Уруғлик препарат эритмасида дориланади (1 тонна уруққа 15-25 литр сув)

PROTEKT PRO

Инсектицид (Эмаектин бензоат 5% + Индоксакарб 10%)

Кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланиладиган самарали инсектицид!



Қўлллиниши:

Ўғза, тут, ток, олма, иссиқхона ва сабзавот экинларидаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши текканда ва ичдан таъсир этувчи юқори самарали инсектицид. Бошқа препаратларга чидамли бўлган зараркунандаларга, айниқса, кўсак қуртига қарши курашда самарали қўлланилади. Препарат таркиби икки хил таъсир этувчи моддадан иборат эканлиги препарат самарадорлиги юқори бўлишини таъминлаб беради. Зараркунандаларнинг барча ривожланиш босқичларида ҳам самарали таъсир қилади

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарфлаш меъёри л/га	Зараркунандалар тури	Қўллаш муддати ва усули
Ўғза	0.3-0.45	Ўғза тунлами	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

ARAMIS

Фунгицид

(Boscalid 25% + Pyraclostrobin 12%)



Қўлланиши:

Олма, нок ва бошқа меваларда парша, уншудринг каби замбуруғли касалликларга қарши ҳамда меваларни сақлашдаги кузатиладиган монилиал, пенициллез ва аччиқ чириш касалликларга қарши қўлланиладиган юқори самарали фунгицид. Ушбу препарат иккита таъсир этувчи моддага эга бўлган янги турдаги фунгицид бўлиб, экинни ўсув даврида замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш билан бирга, унинг меваларини сақлашда ҳам чириш касалликларидан ҳимоя қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари	Мавсумда неча мартаба қўлланиши
Олма, нок	Уншудринг парша	0.8	Экинларнинг ўсув даврида гунчалашдан то мевалар ҳосил бўлгунга қадар 10-14 кун оралиқда пуркалади. Ишчи эритма сарфи гектарига 1000 литргача	3-4
	Меваларни сақлаш пайтида чириш касалликларига қарши: монилиал, пенициллез ва аччиқ чириш касалликлари	0.8	Мевалар ҳосил бўлгандан сўнг теримга 10 кун қолгунга қадар пуркалади. Ишчи эритма сарфи гектарига 1000 литргача	1-2

TOP KROP

Фунгицид

(пропиконазол 20% + тебуконазол 20%)



Бугдойдаги занг ва септориоз касалликларга қарши қўлланиладиган фунгицид!

Қўлланиши:

Ғалла майдонларидаги майсаларнинг сариқ ва қўнғир занг, уншудринг, сариқ доғланиш, қўнғир доғланиш ва бошқа касалликларига қарши юқори самарали фунгицид бўлиб, узоқ муддат ўз таъсир кучини сақлаб туради.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғалла	Сариқ ва қўнғир занг	0.2-0.3	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ғалла	Септориоз ва бошқа доғланиш касалликлари	0.3	

ENTOXLOROK

Фунгицид

(Миснинг хлорли оксиди 85%)

Мильдю ва антракнозга қарши фунгицид!



Қўлланиши:

Мильдю, антракноз, переноспориоз, фитофтороз, кладоспориоз, альтернариоз, макроспориоз, калмараз касалликларига қарши қўлланилади. Текканда таъсир этувчи фунгицид бўлиб, қўлланилгандан кейин ўсимликларнинг поя, барг ва меваларини касалликлардан узоқ вақт ишончли ҳимоя қилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ток	Мильдю, антракноз	1,2 - 4	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

ENTOXLOROK Plus

Фунгицид

(Миснинг хлорли оксиди 39.75% + цимоксанил 4.2%)

Замбуруғли касалликларга қарши фунгицид!



Қўлланиши:

Юқори самарали фунгицид бўлиб, қўлланилгандан кейин касалликларни узоқ вақт назорат қилади. Картошкадаги фитофтороз, альтернариоз, тоқдаги мильдю, бодрингдаги переноспориоз, очик ва ёпиқ грунт помидордаги фитофтороз, макроспориоз, касалликларига қарши қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ток	Мильдю	2.5-3.0	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Картошка	Фитофтороз, макроспориоз, альтернариоз	2.0-2.5	
Бодринг	Переноспориоз	2.0-2.5	
Помидор	Фитофтороз, макроспориоз	2.0-2.5	

RAMZES

Фунгицид

(Зирам 76 %)

Калмараз, қўнғир доғланиш, шафтолидаги барг бужмалоқланиши ва клястероспориоз касалликларига қарши қўлланилади.



Қўлланиши:

Олмадаги калмараз, қўнғир доғланиш, шафтолидаги барг бужмалоқланиши ва клястероспориоз касалликларига қарши юқори самара берувчи фунгицид бўлиб, қўлланилгандан 3-4 соат ўтиб таъсир қилишни бошлайди. Таъсир этиш давомийлиги касалликнинг жиддийлиги ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда 4-6 ҳафтагача давом этади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри кг/га	Касалликлар	Қўллаш муддати ва усули
Олма	3.0	Калмараз, қўнғир доғланиш	Ўсимликка гуллашигача ва гуллашдан кейин пуркалади
Шафтоли	3.0	Барг бужмалоқланиши ва клястероспориоз	

ENTREVICUR

Фунгицид

(Пропамокارب гидрохлорид 72,2 %)

Фитофтороз ва альтернариоз касалликларига қарши самарали фунгицид!



Қўлланиши:

Гўзадаги фитофтороз, помидордаги фитофтороз ва альтернариоз ҳамда илдиз касалликларига қарши юқори самара беради. Препарат ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилибгина қолмай, уларнинг гуллаши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Препарат қўлланилгандан сўнг 3-4 соат ўтиб таъсир қилишни бошлайди.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри л/га	Касалликлар	Қўллаш муддати ва усули
Гўза	2.0	Фитофтороз	1 тонна уруғликка 2 литр препарат сарфлаб дориланган чигит экилган далалардаги гўзаларга гуллаш даврида пуркалади.
Помидор	1.5	Фитофтороз ва альтернариоз	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

ENTOXLOROK Ekstra

Фунгицид

(Манкоцеб 64% + Цимоксанил 8%)

Муаммоли замбуруғли касалликларга, айниқса, тоқдаги милдьюга қарши қўлланиладиган юқори самарали фунгицид!



Қўлланиши:

Замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилувчи ва даволовчи фунгицид. Картошкадаги фитофтороз, альтернариоз, тоқдаги милдью, бодрингдаги пероноспороз, помидордаги фитофтороз, макроспориоз, касалликларига қарши юқори самара беради. Таркибида икки хил таъсир этувчи моддаси борлиги бошқа фунгицидларга чидамлилиги ошган касалликларни ҳам даволайди. Препарат қўлланилгандан сўнг ўсимликларни ўсиш ва ривожланишига зарарли таъсир этмайди.

Сарф меъёри ва қўллаш усуллари

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Картошка	Фитофтороз	1,5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Помидор	Фитофтороз	1,5	Очиқ грунтдаги ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ток	Милдью	1,5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

KAPITOKS

Фунгицид

(Каптан 50%)

Мевали дарактларни калмараз, мева чириши ва бошқа замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган юқори самарали фунгицид.



Қўлланиши:

KAPITOKS препаратидан мевали дарактларнинг касалликларини олдини олиш мақсадида профилактик ишлов бериш усули билан қўлланилади. Мевали дарактлардаги калмараз, мева чириши, бир неча турли замбуруғли касалликларга қарши қўлланилади. Шу билан бирга, экинлардаги бактериоз касаллигини олдини олишда ҳам юқори самара беради. Қўлланилгандан кейин ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ҳам касалликларга таъсири ўзгармайди

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри кг/га	Касалликлар	Қўллаш муддати ва усули
Олма	01.май	Калмараз	Ўсимликларнинг ўсув даврида пуркалади

FOSETAL

Фунгицид

(Алюминий фосетил 80%)

**Бактериал куйишга қарши
қўлланиладиган фунгицид!**



Қўлланиши:

Ушбу препарат юқори самара берувчи фунгицид бўлиб, қўлланилгандан кейин касалликларни узоқ вақт назорат қилади. Олмадаги замбуруғли касалликларга, бактериал куйиш касаллигига қарши юқори самарали фунгицид. Гектарига 1.5-3кг микдорда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати	Ҳосил йиғишга қанча қолганда ишлов тугалланади (кун)
Олма	Бактериал куйиш	1.5-3.0	Ўсимликларнинг ўсув даврида пуркалади	30

ENTOLIKUR

Фунгицид

(Тебуканозол 12.5%
+ Триадимефон 10.0 %)

Зангга қарши қўлланиладиган фунгицид!



Қўлланиши:

Занг, уншудринг, доғланиш, пирикулярриоз, оидиум, антракноз каби замбуруғли касалликларга қарши қўлланилади. Препарат системали таъсирга эга бўлган химоя қилувчи ва даволовчи фунгицид. Ҳосилнинг йўқолиши ва касаллик кенг тарқалиб кетишининг олди олинади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Бугдой	Занг, уншудринг, доғланиш касалликлари	0.3-0.5	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Ток	Антракноз, оидиум	0.15-0.25	Ўсимликнинг 4-5 барг даврида ва 30 кундан сўнг иккинчи маротаба
Шоли	Пирикулярриоз	0.4	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади

FLUSIL

Фунгицид
(Флусилазол 40%)

**Калмараз ва Оидиумга қарши
самарали восита!**



Қўлланиши:

Экинлардаги уншудринг, оидиум, калмараз, мева чириши каби касалликларга қарши курашда қўлланилади. Ҳосилнинг йўқолиши ва касаллик кенг тарқалиб кетишининг олдини олади

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ток	Оидиум	0.05-0.06	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади
Олма	Уншудринг, калмараз	0.05-0.075	

KREZOKSIN

Фунгицид
(Крезоксим-метил 50%)

**Уншудринг ва калмараз (раға)га
қарши фунгицид!**



Қўлланиши:

Препарат юқори ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этишини қўп бора исботлаб келмоқда. Уншудринг, калмараз (раға, парша), оидиум, мильдю, антракноз, переноспориоз, фитофтороз, кладоспориоз, альтернариоз, макроспориоз ва бошқа касалликларига қарши юқори самара берувчи фунгицид.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Касалликлар	Сарф меъёри кг/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Олма	Уншудринг, калмараз(раға)	0,2	Ўсимликларни ўсув даврида пуркалади

SILVER

Сирт фаол модда

(Трисилоксан аоксилат 100%)



Қўлланиши:

Кимёвий воситалар билан бирга қўлланилиб, уларнинг барг юзасига ёпишувчанлигини ва ўсимлик томонидан тез сўрилишини таъминлайди, шунингдек, ёмғир ёққанида ювилиб кетишини олдини олади.

Сарф-меъёрлари ва қўллаш тартиби:

СИЛВЕР сирт фаол моддаси 0.15-0.25% концентрацияларда қўлланилади. 0.25% концентрацияли максимал миқдор системали ва ёппасига таъсир этувчи гербицидлар билан биргаликда қўлланилади. Контакт таъсир этувчи препаратлар билан қўлланилганда Силвер сирт фаол моддасининг концентрацияси 0.15 % бўлиши лозим. СИЛВЕР сирт фаол моддаси ҳар доим асосий препаратлар сувга аралаштириб булғач қўшилса мақсадга мувофиқ бўлади. СИЛВЕР СФМ препаратини қўллашда бакнинг 80-90% и сувга тўлдирилади ва аралаштиргич ишга туширилади. Аралаштиргич ишлаб турган ҳолатда бакка қўзда тутилган пестицид ва ўғитнинг аниқ миқдори қўшилади ва аралаштириш давом эттирилади. Сўнгга СИЛВЕР СФМ аниқ миқдори қўшилиб, аралаштириш давом эттирилади ҳамда бакнинг қолган қисми сувга тўлдирилади.

Экин тури	Қўлланилиши	1 га учун қўлланиладиган сув миқдори	1 га учун SILVER сарфи
Барча экин турлари	Кимёвий воситалар билан биргаликда қўлланилади	150-500 литр	150-250 мл

ENTOJEAN

Ўсиш ва ривожланишни бошқарувчи препарат

(Мепикват хлорид 98%)

Қисқа бўғин –
мўл ҳосил!



Қўлланиши:

Ушбу препарат ғўза говлаб кетишининг олдини олади. Бунинг натижасида ғўзанинг пастки қисмида асосий кўсаклар пайдо бўлиб, улар эрта очилади ва юқори ҳосил олишга имконият яратилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Мақсад	Сарф меъёри г/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ғўза	7-8 чин барг чиқариб шоналаганда, илдиз қисмини бақувват қилишга	15	Ўсимликларни ўсув даврида пуркалади
	Ғўзани бақувват қилиб, шонани кўпайтириб, гуллашни тезлатишга	45	
	Ғўзани говлашини олдини олишга, ҳосил элементларини кўпайтишга	90	

ENTOVAKS 200

Уруғ дориллагич

(Карбоксин 37,5 % + тирам 37,5 %)

Чанг, қаттиқ қорақуя ҳамда
ғўзадаги илдиз чириш касалликларига
қарши қўлланиладиган
самарали уруғ дориллагич.



Қўлланиши:

Ғалладаги чанг ва қаттиқ қорақуя ҳамда ғўзадаги илдиз чириш касалликларига қарши уруғларни дорилашда қўлланиладиган препарат. Ушбу препарат бир вақтнинг ўзида фунгицидлик ва ўсувни бошқариш хусусиятларига эга. Препарат таркибидаги карбоксин ўсувни бошқариб, уруғ ичидаги инфекцияларга қарши курашса, тирам эса уруғнинг қобиқ қатламини инфекциялардан ҳимоя қилади. Ўзининг даволовчи ва ҳимоя қилувчилик хусусиятлари, шунингдек уруғларнинг униб чиқиши ва фаол ривожланишини кучайтириши ҳисобига юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри 1 тонна уруғ учун, кг	Касалликлар	Қўллаш муддати ва усули
Ғалла	2,0-2,5	Чанг ва қаттиқ қора қуя	Уруғ препарат суспензиясида 1 тонна донга 10 литр ишчи эритма сарфланган ҳолда дориланади
Ғўза	2,0-2,5	Илдиз чириш	Чигит препарат суспензиясидан 1 тонна тукли чигитга 25-30 литр ва 1 тонна механик туксизлантирилган чигитга 15-20 литр ишчи эритма сарфланган ҳолда дориланади

SIKLODEFOL

Ўсувни бошқарувчи модда

(Этефон 72%)

Ғўза кўсақларини етилиши ва
очилишини тезлаштиришда
қўлланиладиган юқори самарали
ўсувни бошқарувчи модда!



Қўлланиши:

SIKLODEFOL ғўза кўсақларини етилишини ва очилишини тезлаштиради. Натижада пахта ҳосилини эрта муддатларда қулай иқлим шароитларда териб олиш имконияти яратилади. Ғўза экини тепа қисмидаги очилмай қолган кўсақлар очилиши натижасида пахтани бир теримда ва юқори ҳосилдорликда йиғиб олинади. Пахта теримида сарфланадиган қўшимча ишчи кучи ва ҳаражатларнинг олди олинади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри л/га	Мақсади	Қўллаш муддати ва усули
Ғўза	1.5-2.0	Кўсақларнинг етилиши ва очилишини тезлаштириш	Кўсақнинг 40-45 фоизи очилганда пуркалади

ЭКС-ЧЕЙНДЖ

Сувни мўътадиллаштирувчи препарат

Таркиби: Кондиционерлаштирувчи агентлар, кўпиклашга қарши моддалар ва қўшимча компонентлардан иборат эрувчан концентрат



Қўлланиши:

X-CHANGE – кишлоқ хўжалигида қаттиқ сувларни юмшатиш ва сувлардаги юқори ишқорийликни пасайтириш учун қўлланиладиган препарат ҳисобланади. Бундай турдаги препаратлар амалиётда сув кондиционери деб аталади.

X-CHANGE – ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ўғитларнинг ишчи эритмаларини тайёрлашда қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

X-CHANGE қўлланилаётган умумий сув миқдорининг 0.1-0.25% и миқдоридagi концентрацияларда қўлланилади. Бундан қўллаш учун сувнинг қаттиқлиги ва ишқорийлик даражалари махсус асбобда ўлчаб олинади.

Агар сувнинг қаттиқлиги ва ишқорийлигини ўлчаш мумкин бўлмаган ҳолатларда қўлланиладиган сув умумий миқдорининг 0.25% миқдорида препарат қўлланилади.

X-CHANGE препаратини қўллашда бакнинг 80-90% и сувга тўлдирилади ва аралаштиргич ишга туширилади. Аралаштиргич ишлаб турган ҳолатда бакка X-CHANGEнинг аниқ миқдори қўшилади ва аралаштириш давом эттирилади. Сўнгга қўлланиши кўзда тутилган пестицид ва ўғитларнинг аниқ миқдори қўшилиб, аралаштириш давом эттирилади ҳамда бакнинг қолган қисми сувга тўлдирилади.

HOSILIN

Ўсиш ва ривожланишни бошқарувчи препарат (Гибберлин 20%)

Юқори ҳосил гарови!



Қўлланиши:

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган ўсувни бошқарувчи таблетка шаклидаги модда. Препарат мураккаб тузилмали органик кислота бўлиб, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган ўсув моддасидир. Гибберлин билан ишлов бериш ўсимликнинг пояси, шохлари, барги ўсиши; меваси тез етилиши, уруғини тез униб чиқиши ва кўчатларнинг ўсишини тезлатади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

Экин тури	Мақсад	Сарф меъёри г/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Ток	Ҳосилни кўпайтириш	5-10	Ўсимликнинг гуллаш ва меваси шаклланган даврида пуркалади

ENTO-DEFOL

Дефолиант

(Тидиазурон 36 % + диурон 18 %)

Ўрта толали гўзани дефолиация қилишда қўлланиладиган самарали препарат !



Қўлланиши:

Ўрта толали гўзани дефолиация қилишда қўлланиладиган препарат бўлиб, 12 соат давомида ўсимлик барглари орқали сингади. Препаратнинг илк самараси ишлов берилгандан 2-4 кундан сўнг кўринади. Препарат ўсимлик хужайраларининг бўлинишини тезлаштиради, натижада барглар яшил холида (қуримасдан) тўкила бошлайди. Шунингдек, препарат янги барглар ўсиб чиқишини олдини олади, очилмаган кўсакларни табиий етилишини тезлаштиради, ҳамда ҳосил сифатига зарар етказмайди.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Сарф меъёри л/га	Мақсади	Қўллаш муддати ва усули
Гўза	0.1-0.2	Дефолиация	Кўсакнинг 40-45 фоизи очилганда пуркалади

OKSIDAT

Нематоцид

(Оксамил 24%)

Нематодаларга қарши қўлланиладиган восита!



Қўлланиши:

ОКСИДАТ препарати билан иссиқхоналардаги ниҳолларнинг илдиз тагига ишлов бериш натижасида галл ҳосил қилувчи нематодалар, оққанот ва ғовакловчи пашшалар зарарининг олди олинади. Бу препарат кенг миқёсда дала экинлари (помидор, бодринг, пиёз, мурч, булғор қалампири ва бошқалар)ни ҳимоя қилишда қўлланилади. ОКСИДАТ препарати томчилатиб сугориш ёки илдизига қуйиш усуллари ёрдамида қўлланилади.

Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

Экин тури	Зараркўнандалар	Сарф меъёри л/га	Қўллаш муддати ва усуллари
Иссиқхонадаги помидор	Галл нематодалар	30 литрдан 3 марта	Препарат гектарига 10 литрдан 3 марта: иссиқхонага кўчат экилгандан 3-5 кун кейин, кейинги ишловлар 15 кун оралатиб 10 литр сувга 40 г препарат аралаштириб 100 тулп кўчат тагига 100 мл дан ишчи эритма қуйиб чиқилади.

Компания филиаллари номи ва телефон рақамлари

Худуд номи	Филиал номи	Телефон рақами	Худуд агрономи
 Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон филиали	> +99891 181 32 00 >	
	Нукус филиали	> +99891 292 32 00 >	+998 91180-45-00
	Беруний филиали	> +99891 178 00 12 >	+998 91 368-50-09
 Андижон вилояти	Андижон филиали	> +99891 292 28 00 >	+998 91180-44-45
	Олтинкўл филиали	> +99890 640 40 52 >	+998 91180-44-47 +998 90 261-20-70
 Бухоро вилояти	Бухоро филиали	> +99891 292 27 00 >	+998 91 368-80-03
	Қоравулбозор филиали	> +99891 178 00 19 >	+998 90 156-58-00
 Жиззах вилояти	Жиззах филиали	> +99891 292 12 00 >	+998 91 368- 70-06
	Зомин филиали	> +99891 178 00 24 >	
 Навоий вилояти	Навоий филиали	> +99891 181 30 05 >	
	Хатирчи филиали	> +99891 177 00 43 >	+998 91 368-80-09
	Қизилтепа филиали	> +99891 178 00 29 >	

Компания филиаллари номи ва телефон рақамлари

Худуд номи	Филиал номи	Телефон рақами	Худуд агрономи
 Наманган вилояти	Наманган филиали	> +99891 181 23 00 >	
	Учқўрғон филиали	> +99890 551 45 07 >	+998 91180-44-22
	Тўрақўрғон филиали	> +99891 178 00 34 >	+998 91 368-10-03
	Мингбулоқ филиали	> +99890 641 73 07 >	+998 91 363-67-00
	Янгиқўрғон филиали	> +99891 340 72 00 >	+998 91180-50-90
	Чуст филиали	> +99891 178 00 38 >	+998 91177-00-32
 Қашқадарё вилояти	Қашқадарё филиали	> +99891 292 18 00 >	+998 91 368-70-09
	Китоб филиали	> +99891 178 00 26 >	+998 91177-00-65
 Самарқанд вилояти	Пахтачи филиали	> +998 93 147-89-89 >	
	Боғишамол филиали	> +998 91 368-48-08 >	+998 91178 -00-28
	Каттақўрғон филиали	> +998 91 292-17-00 >	+998 91 368-10-05
 Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	> +998 91 177-00-54 >	+998 91180-43-33

**Компания филиаллари номи
ва телефон рақамлари**

Худуд номи	Филиал номи	Телефон раками	Худуд агрономи
 Сурхондарё вилояти	Сурхондарё филиали	+998 91 292-24-00	
	Денов филиали	+998 91 292-26-00	+998 91 180-42-24 +998 91 368-40-05
	Сариосиё филиали	+998 91 178-00-53	+998 91 181-27-00
	Қизирик филиали	+998 91 368-38-48	
 Тошкент вилояти	Тошкент филиали	+998 91 181-21-00	+998 91 366-07-59
	Ўртачирчиқ филиали	+998 91 178-00-56	
 Фарғона вилояти	Фарғона филиали	+998 91 292-19-00	+998 91 180-41-11 +998 91 366-07-56
	Қўқон филиали	+998 91 340-82-00	+998 91 180-42-22
 Хоразм вилояти	Хоразм филиали	+99891 292 31 00	+998 90 640-40-21

[illegible]

+998 (91) 340-80 60